

Шу нуқта ичида гуноҳ қиламизми?



12:55 / 11.01.2022 2317

Ушбу сурат Сатурн сайёраси тарафидан туриб олинган. Ҳов анави кўриниб турган ўнг тарафдаги оқ нуқта Ой, чап тарафдаги мовий нуқта 7 миллиарддан ортиқ одам яшайдиган бизнинг сайёрамиз Ер.

Тўфон, цунами, zilзила, ёнғин, вулқон отилиши, самолётнинг ҳалокатга учраши, бўрон бўлиши, қор кўчиши, тупроқ ўпирилиши, илон чақиши, тимсоҳ еб қўйиши ва ҳоказо фалокатлар шу нуқтанинг ичида бўлган ва бўлмоқда.

У ерда одамлар туғилдилар, кексаядилар, ўладилар, ейдилар, ичадилар, ухлайдилар, турли соҳаларда мусобақалашадилар, бир-бирлари билан урушиб, ғалаба қозонадилар, мағлуб бўладилар.

Одамлар шу мовий нуқтадек жойда бой инсон, обрўли инсон, раҳбар инсон ва ҳоказо бўлиш учун бир-бирларини алдаб, хиёнат қилиб, бўҳтон қилиб юрибдилар.

Айрим мутасаддилар шу нуқтанинг ичида турволиб, солиқ тўловчи халқнинг мулкани, таълимга, соғлиқни сақлашга, иқтисодиётга, қурилишга ва бошқа соҳаларга ажратилган пулларни ўз жиғилдонига уришга уриниб, талон-тарож қилиб ётибдилар.

Улар Аллоҳ таолодан қўрқмай, бу дунё вақтинчалигини унутиб, қиёмат куни бошқа нуқталар қатори бу нуқтанинг ҳам йўқ бўлиб кетишини эсдан чиқариб жинойтнинг турли кўчаларига қўл урмоқдалар.

Порахўрлик, судхўрлик, коррупция, ўғрилик, зино, беҳаёлик, эр-хотиннинг бир-бирига хиёрати, лаганбардорлик, ялтоқилик, одамларга зулм қилиш, қамаш, уриб ўлдириш, қийноқ, ижтимоий тармоқларда беҳаёликни тарғиб этиш, айрим мутасаддилар томонидан куракда турмайдиган баҳона-важларни гапириб қовун тушириш ва ҳоказо қилғилиқлар шу нуқта ичида содир бўляпти.

Барчамиз, шу нуқтадек сайёрамиз билан бирга Роҳманнинг қабзасидамиз. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда биз бандаларини бировнинг ҳаққини ейишдан қайтариб шундай марҳамат қилган:

أُولَئِكَ أَتَىٰ لَهُمَ أَكْخُ الْآلِ الْآلِ أَوْ أُولَئِكَ ذُتَّ وَ لَطَابُ لِبَابِ مُكِّنِّيَبِ مُكَلِّ أَوْمًا أُولَئِكَ أَتَىٰ الْوَنُومَلْغَتِ مُتَنَّاوِ مُثِلِبِ سَأَنَلِ لِ أَوْمًا نَّمِ أَقِي رَف

“Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ ила ейишингиз учун уни ҳокимларга ташламанг” (Бақара сураси, 188-оят)

Меҳрибон Роббимиз барчамизга раҳм қилсин ва ҳолимизни ислоҳ этсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади